

**Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизим  
ташкilotларининг ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

(2023 йил январь-декабрь)

**Стандартлар ва ўлчовлар ягона бирликда бўлишини  
таъминлаш бўйича давлат назорати соҳасида**

2023 йил давомида **172 та** субъектларда (импорт, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш) давлат назорати ўтказилди. Натижада, текширилган **285 тур**даги маҳсулотдан **242 тур**даги маҳсулотлар техник регламент талабларига номувофиқлиги, **5379 та** ўлчаш воситалари ва синов ускуналарида **3035 таси** (**56,4 %**) қиёсланмаган ҳолда фойдаланилганлиги аниқланди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан **187 нафар** масъул шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Шунингдек, **5663 та** корхонада профилактика тадбирлари ўтказилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда **3850 та** тадбиркорлик субъектларига соҳага оид қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиш бўйича кўрсатма хатлар ва тарқатма материаллар юборилди.

Республикада худудида фаолият юритаётган **1813 та** корхона тадбиркорлар учун соҳа юзасидан семинар ўтказилди. Семинарда халқаро талабларни жорий этиш, экспорт қилиш истиқболлари, маҳсулотларни сифатини ошириш ва сифатсиз маҳсулотлар билан кураш йўналишларида қилинган ишлар ва янгиликлар, яратилган қулайлик тушунтирилди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилишида қонунчилик талабларини бузилиши ва уларнинг келиб чиқиш сабабалари ўрганиш мақсадида **41 та** аккредитланган мувофиқликни баҳолаш идоралари томонидан расмийлаштирилган **360 та** ҳужжатлар тўплами таҳлил қилинди. Натижада, **336 та** ҳолатда **номувофиқликлар** аниқланди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан **41 та** аккредитланган мувофиқликни баҳолаш идораларига ёзма кўрсатма чиқарилди, **3 та** мувофиқликни баҳолаш идоралари томонидан йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича материаллар Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига юборилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ташкил этилган **145та** назорат тадбирларида департамент ходимларининг мутахассис сифатида иштироки таъминланди. Жумладан, прокуратура органлари томонидан ташкил этилган **114та**, давлат хавфсизлик хизмати томонидан ташкил этилган **8 та**, Агроинспекция томонидан ташкил этилган **8та** ва бошқа органлар томонидан ташкил этилган **15 та** назорат тадбирларида давлат назорати департаменти ходимлари иштирок этишди.

Ушбу назорат тадбирлари давомида **234турдаги** маҳсулотлар мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилмасдан реализация қилинганлиги, **1763 та** ўлчаш воситалари давлат қиёслаш кўригидан ўтказилмасдан фойдаланиб келинаётганлиги, **67 та** ҳолатда стандарт талаблари бузилганлиги аниқланди.

### **Ўлчашлар ягоналигини таъминлаш соҳасида.**

2023 йил январь-декабрь ҳолатига **640 767 дона** ўлчаш воситалари (*шулардан **1 399дона** ўлчаш воситаси яроқсиз деб топилган*) метрологик текширувдан ўтказилган.

Кўрсатилган метрологик хизматлардан **574 347 дона** қиёслаш, **66 420 дона** аттестация ва **23 877 дона** калибрлаш ишларини ташкил этади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг **139 238 та** мурожаатларига асосан электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (*ҳисоблагичларни*) қиёслаш ишлари амалга оширилган. Ўлчаш воситаларининг метрологик текшируви натижалари ва тасдиқланган турини тан олиш бўйича **189 дона** сертификатлари расмийлаштирилган.

Шунингдек, турини тасдиқлаш мақсадида **54 турдаги** ўлчаш воситалари давлат синовларидан ўтказилган.

### **Мувофиқликни баҳолаш соҳасида.**

Ўзбекистон Республикасининг Миллий сертификатлаштириш тизимида 2023 йил январь-декабрь ойларида **186 587 та** мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган, шундан **1 101 та** мувофиқлик сертификати **1 календарь** йилига шартнома асосида расмийлаштирилган, серияли ишлаб чиқаришга **6 501 та** мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган.

Шунингдек, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизим ташкилоти “**UzTest**” ДМ томонидан **38 545 та** мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган, шундан **179 та** мувофиқлик сертификати **1 календарь** йилига шартнома асосида

расмийлаштирилган, **2 285 та** тадбиркорлик субъектларига серияли ишлаб чиқаришга сертификатлар расмийлаштириб берилган.

### **Менежмент тизимларини жорий этиш соҳасида.**

2023 йил январь-декабр ҳолатига **1261 та** корхонада сифат менежмент тизимлари бўйича **2764 та** сертификатлар расмийлаштирилган, шундан: сифат менежмент тизимлари (**ИСО 9001**) бўйича **1082 та**; экологик менежмент тизимлари бўйича (**ИСО 14001**) **806 та**; озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимлари (**ИСО 22000**) бўйича **32 та**; энергетик менежмент тизимлари (**ИСО 50001**) **19 та**; касб-ҳунар, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик менежмент (**ИСО 45001**) бўйича **816 та** ва бошқа **9 та** менежмент тизимлари.

Сифат менежмент тизимлари бўйича сертификатлаштириш **24 та** аккредитланган органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи **98 та** корхонада “**ОЕКО-ТЕХ**” халқаро стандарт талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### **Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш.**

Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш юзасидан корхоналарга **1480 та**, шундан стандартлаштириш – **346 та**, метрология – **192 та**, сертификатлаштириш – **347 та**, сифат менежмент тизимлари масалалари – **396 та**, қадоқлаш ва ёрлиқлаш – **63 та** ва бошқа масалаларда **128 та** консултатив хизматлар кўрсатилди.

**98 мартаба** семинар-тренинглари, маҳаллий газеталарда **110 та** мақолалар чоп этилди ва **49 мартаба** радио ва **ТВ**да чиқишлар амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, ҳудудларда жойлашган **188 та** тумандаги **1347 та** корхоналарнинг **280 дан ортиқ** маҳсулотларини дунёнинг **40 та** мамлакатларига **экспорт** қилинишида амалий ёрдамлар кўрсатилди.